

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.FIL.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**ЯДГАРОВА МЕХРИБАН АБДУЛЛАЕВНА**

**ШУҲРАТНИНГ “ОЛТИН ЗАНГЛАМАС” РОМАНИ ИЖОДИЙ  
БИОГРАФИЯСИ: ТАРИХИЙЛИК ВА БАДИИЙЛИК**

**10.00.02 - Ўзбек адабиёти  
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Ядгарова Мехрибан Абдуллаевна**

Шухратнинг “Олтин зангламас” романи ижодий биографияси: тарихийлик ва  
бадийлик.....3

**Ядгарова Мехрибан Абдуллаевна**

Творческая биография романа “Золото не ржавеет” Шухрата: историчность и  
художественность.....25

**Yadgarova Mekhriban Abdullayevna**

Creative biography of the Shuhrat's novel "Golden stainless": historycity and  
art.....46

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....50

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОР И ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.FIL.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОР И ИНСТИТУТИ**

**ЯДГАРОВА МЕХРИБАН АБДУЛЛАЕВНА**

**ШУҲРАТНИНГ “ОЛТИН ЗАНГЛАМАС” РОМАНИ ИЖОДИЙ  
БИОГРАФИЯСИ: ТАРИХИЙЛИК ВА БАДИИЙЛИК**

**10.00.02 - Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Fil458 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) веб-саҳифанинг [www.tai.uz](http://www.tai.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каримов Наим Фотиҳович**  
филология фанлари доктори,  
профессор, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Каримов Баҳодир Нурметович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Муродов Ғайрат**  
филология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
миллий университети**

Ҳимоя 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат\_\_да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгаш йиғилишида ўтказилади.  
Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail:uzlit @uzsci.net).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.  
Манзил: 700170, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871)262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_да тарқатилди.  
(2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.Ч.Ҳаққулов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси ўринбосари, филол.ф.д., проф.

**Р.Баракаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

**У.А.Ҳамдамов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси ўринбосари, филол.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида бадиий асарни уни яратган санъаткор таржимаи ҳоли билан узвийликда изчил ўрганиш, бадиий асар яратилиш тарихи, ижодкор лабораторияси, ёзувчи эстетик идеалининг қахрамонлар образида акс этиши, ёзувчи қалб изтиробларининг у яратган ижобий ва салбий қахрамонларда намоён бўлиши каби нуқтаи назарлардан тадқиқ этиш тамойиллари бадиий асар эстетикасини ҳар томонлама кўрсатиб беришда буткул янгича қарашларни юзага келтириши билан амалий жиҳатдан ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида биографик ёндашув ҳамда биографик методнинг назарий ва амалий жиҳатлари борасида, хусусан, Шарль- Сент-Бёв, Андре Моруа асарлари мисолида эътиборга сазовор ишлар амалга оширилган бўлиб, аслида, биографик методнинг ўзи ҳам буюк шахслар таржимаи ҳолини муфассал ўрганиш эҳтиёжи туфайли вужудга келган. Ижодкор биографиясини илмий ўрганиш метод сифатида турли даврларда турлича йўналишларда тараққий этиб, айниқса, XX аср адабиётшунослигида янада ўзига хос тарзда намоён бўлган, мафкуравий қарашлар асосида яратилган асарларни холис ўрганиш эҳтиёжи ҳам шу нуқтаи назардан янгича кўламга кўтарилгандир.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам ижодкор лабораториясини тадқиқ этиш масаласига сўнгги йилларда эътибор янада янгича моҳият касб этиб, хусусан, ижодкор асарларининг қўлёзма нусхалари ва архив материаллари асосидаги академик ва илмий-танқидий нашрларини яратиш ўзига хос ўрин тутмоқда. “Миллий маданий меросимизнинг ҳали ўрганилмаган кўпгина қатламларини очиб беришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга эътибор қаратилаётган бир пайтда”<sup>1</sup> XX асрда яратилган ўзбек адабиёти намуналарини миллий, маданий, адабий, тарихий, диний қадриятларимиз тикланиши нуқтаи назарларидан изчил ва узвий тадқиқ этиш, жумладан, мустабид шўро тузуми ҳукмронлиги йилларидаги катағон воқеалари ҳақида ўзбек адабиётида ёзилган илк роман бўлмиш Шухратнинг “Олтин зангламас” асари ижодий биографиясини ўрганиш ижодкор таржимаи ҳолининг номаълум жиҳатларини ёритиш, ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланиш жараёни ва бу жараёнга таъсир этган омиллар, романни ёзиш ғоясининг туғилиши ҳамда нашр йўлидаги қийинчиликларни ўрганиш бугунги адабиётшунослигимизнинг муҳим масалаларидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори.

февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3652-сон “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида ижодкор лабораториясини тадқиқ қилиш йўналишида кўплаб ишлар амалга оширилган.<sup>1</sup>

Ўзбек адабиётшунослигида Шухрат ижоди юзасидан қилинган тадқиқотлар у қадар кўп бўлмаса-да, адиб ижодининг муайян жиҳатлари Мақсуд Шайхзода, Л.Қаюмов, М.Қўшжонов, У.Норматов, Н.Раҳимжонов, Қ.Қаҳрамонов, Ж.Ҳожиматов, Н.Соатоваларнинг рисола ва мақолалари<sup>2</sup> ҳамда А.Азимов, Н.Каримова ва Ш.Алдашеваларнинг номзодлик ишларида<sup>3</sup> таҳлилга тортилган.

---

<sup>1</sup> Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. – М.: Худлит., 1970; Моруа А. Литературные портеты. – М.: Прогресс, 1971; его же. Прометей, или жизнь Бальзака. – М.: Издательство АСТ, 1999; Бурсов В. Личность Достоевского. – Л.: Сов.писатель, 1974; Велик А. Художественной образ Ф.М.Достоевского. – М.: Просвещение, 1974; Андроникова И. От прототипа к образу. – М.: Педагогика, 1974; Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Худлит., 1975; Храпченко М.Б. Лев Толстой как художник. – М.: Худлит., 1978; Мейлах Б. Психология художественного творчества предмет и пути исследования. – Л.: Наука, 1980; Боров Ю. Эстетика. – М.: Политиздат, 1998; Барахов В.П. Литературные портреты. – Л.: Наука, 1987; Выготский Л. Психология искусства. – М.: Педагогика, 1987; Винокур Г. Биография и культура. – М.: Издательство ЛКИ, 2007; Бадий адабиёт ҳақида. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1960; Айтматов Ч, Шоханов М. Чўккида қолган овчининг охи зори. – Тошкент: Шарқ, 1998; Эккерман Й.П. Гёте билан гурунглр. – Тошкент: O`zbekiston, 2016.

<sup>2</sup> Қаюмов Л. 1965 йил бадий прозаси ҳақида ўйлар // Шарқ юлдузи. 1966. 4-сон. – Б. 216-225; Шайхзода М. Қалам ва бурч // Шарқ юлдузи. 1967. 8-сон, – Б. 202-212; Ҳожиматов Ж. Ҳаётнинг бадий инъикоси // Шарқ юлдузи. 1967. 8-сон, – Б. 215-220; Норматов У. Шухрат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1969; Қаҳрамонов Қ. “Олтин зангламас” романида давр ва шахс талқини // Шарқ юлдузи. 2003. 3-сон. – Б. 108-110; Соатова Н. “Олтин зангламас” романида романтик тафаккур // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013. 3-сон. – Б. 86.

<sup>3</sup> Азимов А. Шухрат ижодида қаҳрамон проблемаси: Филол.фан.номз... дисс. - Самарқанд. 1975; Каримова Н. Идеино-эстетическая позиция писателя (по романом Шухрата): Дисс... канд.филол.наук. – Ташкент: 1982; Алдашева Ш. 70 — 90-йиллар ўзбек лирикасида тўртлик, саккизлик ва шеърлий туркум табиати: Филол. фан.бўйича фалс.д-ри... (PhD) дисс. – Тошкент, 2019.

Аслини олганда, ўзбек адабиётшунослигида бадий асарни уни яратган ижодкор таржимаи ҳоли билан боғлаб ўрганиш профессор Фитрат номи билан боғлиқ бўлса, академик Иззат Султоннинг “Навоийнинг қалб дафтари” асари бу йўналишдаги дастлабки монографик тадқиқотдир. С.Азимовнинг “Ҳамид Олимжон абадияти”, Ҳ.Қодирийнинг “Отам ҳақида”, К.Қаҳҳорованинг “Чорак аср ҳамнафас”, З.Саидносированинг “Ойбегим менинг” китоблари, М.Қўшжонов ва У.Норматовларнинг Абдулла Қодирий ижодига бағишланган монографиялари, У.Норматовнинг бир қатор ижодкорлар билан суҳбатлари, Н.Каримовнинг Чўлпон, Ойбек, Миртемир, У.Носир, М.Шайхзода, Ҳ.Олимжон, Зулфия ва бошқа адиблар ҳақидаги асарлари, С.Мирвалиев, Ў.Носиров, А.Расулов, Н.Раҳимжонов, Ҳ.Болтабоев, У.Жўрақулов, Ҳ.Умуров, Р.Кўчқоров, О.Жўрабоев, М.Кўчқороваларнинг ишлари<sup>1</sup>, Д.Қуронон, Б.Каримов, Н.Зиёдуллаева, С.Тўлагановаларнинг диссертацияларида ижодкор лабораторияси масаласи у ёки бу даражада ўрганилган<sup>2</sup>.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти ЎзР Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига биноан ОТ – Ф1-77 “Ўзбек адабиёти дурдоналари 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш” (2017 – 2020) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ижодкор лабораторияси, Шухратнинг “Олтин зангламас” романининг яратилиш тарихи, романнинг дунёга келишига сабаб бўлган объектив ва субъектив омиллар, тарихий ҳақиқатнинг бадий

---

<sup>1</sup> Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1969; Азимов С. Абадият. 2 томлик. 2-том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988; Қодирий А. Ижод машаққати. – Тошкент: Ўқитувчи. 1995; Қаҳҳор А. Ёшлар билан суҳбат. – Тошкент: Ёш гвардия, 1968; Қодирий Ҳ. Отам ҳақида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974; Мухтор А. Ёш дўстларимга. – Тошкент: Фан, 1980; Қўшжонов М. Қодирий – эрксизлик қурбони. – Тошкент: Фан, 1992; ўша муаллиф. Ўзбекнинг ўзлиги. – Тошкент: Халқ мероси, 1992. Норматов У. Талант тарбияси. – Тошкент: Ёш гвардия, 1980; ўша муаллиф. Ижодкорнинг дахлсиз дунёси. – Тошкент: Muntoz soʻz, 2008; яна ўша. Қодирий мўъжизаси. – Тошкент: Oʻzbekiston, 2010; Каримов Н. Илҳом чашмасининг ажойиб мавжлари. – Тошкент: Фан, 1982; ўша муаллиф. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008; яна ўша. Чўлпон. Маърифий роман. – Тошкент: Шарқ, 2003; яна ўша. Максуд Шайхзода. Маърифий-биографик роман. – Тошкент: Шарқ, 2010; ўша муаллиф. Миртемир. Маърифий-биографик роман. – Тошкент: Meriys, 2012; яна ўша. Ойбек гулшанидан шабадалар. – Тошкент: Маънавият, 2015; ўша муаллиф. Зулфия. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015; Қаҳҳорова К. Чорак аср ҳамнафас. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987; Саидносирова З. Ойбегим менинг. – Тошкент: Шарқ, 1994; Носиров Ў. Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор услуби. – Тошкент: Фан, 1981; Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Тошкент: Фан, 1969; Мирвалиев С, Шокирова Р. Ўзбек адиблари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016; Раҳимжонов Н. Бадиий асар биографияси. – Тошкент: Фан, 2008; Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2008; Umurov N. Adabiy ijod asoslari. – Samarqand: SamDU, 2019; Кўчқоров Р. Мен билан мунозара қилсангиз. – Тошкент: Маънавият, 1997; Жўрабоев О. Магннинг матноси сирлари. – Тошкент: Tamaddun, 2017; Кўчқорова М. “Ўтмишдан эртақлар” тадқиқи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016; Абдулла Қаҳҳор: Шахс ва ижодкор. – Тошкент: Tamaddun, 2013.

<sup>2</sup> Қуронон Д. Чўлпон насри поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент: 1998; Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (қодирийшунослик мисолида): Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент: 2002; Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси (XX асрнинг 80 – 90-йиллари мисолида): Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент: 2002; Зиёдуллаева Н. Ўзбек адабиётшунослигида ижодкор биографиясини ўрганиш муаммолари (Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди мисолида): Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент: 2000; Тўлаганова С. Ижодкор шахсияти ва бадиий қаҳрамон муаммоси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент: 2019.

ҳақиқатга айланиш жараёнини тарихий-биографик аспектда очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

XX асрнинг 30 – 50 йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган шўро давлати қатағон сиёсатининг фожиали оқибатлари ҳамда ушбу масаланинг ўзбек адабиётида ёритилиш тарихини асослаш;

қатағон даври ҳақидаги тарихий ҳақиқатни бадиий талқин этиш тамойилларининг шаклланишини ўрганиш ва Шухрат ижодидаги шу масала билан боғлиқ устувор йўналишларни аниқлаш;

“Олтин зангламас” романи учун танланган ҳаётий материалнинг Ўзбекистонда амалга оширилган қатағон кампаниясининг ва шўро давлати мустамлакачилик сиёсатининг моҳиятини очишга, миллий халқларнинг тарихан шаклланиб келган миллий қадриятлари, миллий онги ва миллий маданияти атрибутларининг йўқола боришига сабаб бўлганини кўрсатишда қанчалик ёрдам берганига эътибор қаратиш;

“Олтин зангламас” романида ғоянинг бадиият ва образлар орқали ёритилгани, қаҳрамон (шахс) ва жамият ўртасидаги зиддиятнинг қанчалик бадиий талқин қилинганини ўрганиш, етакчи қаҳрамонлар прототипларини аниқлаш;

тарихий давр ҳақиқатини очишдаги ёзувчи (Шухрат) бадиий маҳоратини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида “Олтин зангламас” романининг ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи, Ўзбекистон ёзувчи ва шоирлари архивида сақланаётган қўлёзмаси, “Шарқ юлдузи” журналининг 1965 йил 7-8, 12-сонларида чоп этилган нусхаси ҳамда 1967, 1999 йилларда нашр этилган китоб вариантлари танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни “Олтин зангламас” романи ижодий биографияси мисолида ижодкор лабораторияси масаласини тадқиқ этиш ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация тадқиқотини амалга оширишда биографик, қиёсий, тарихий, археографик, аналитик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

Шухрат ижодий лабораториясини ўрганиш орқали “Олтин зангламас” романининг XX аср ўзбек адабиёти тараққиётида илк бора қатағон сиёсатини акс эттирувчи асар сифатидаги ўрни асосланган;

роман қўлёзмаси ва нашрлари ўзаро қиёсланиб, асар яратилиши жараёнига ва ундан кейинги таҳрирлаш ҳолатида муаллифнинг ихтиёрий ва ғайри ихтиёрий ўзгартишларига сабаб ҳамда бунинг оқибатида романдаги композицион ўзгаришларнинг асар тузилмасига салбий таъсири далилланган;

Шухратнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати архивида сақланаётган жиноий иш материаллари таҳлилга тортилиб, бадиий асар яратилиши билан боғлиқ манба сифатида тақдим этилган, ёзувчининг ўзи ва қисматдошларининг қамоқхона ҳамда лагерлардаги ҳаёти фактларидан

фойдаланилиб, автобиографик характердаги роман яратилганлиги, етакчи қаҳрамонлар прототиплари масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги аниқланган;

роман образлари қиёси орқали Ўзбекистонда амалга оширилган қатағон компанияси ва шўро давлати мустамлакачилик сиёсати халқларнинг тарихан шаклланган миллий қадриятлари, миллий онги ва миллий маданияти атрибутларининг йўқола боришига сабаб бўлгани борасидаги ёндашувлар ва ўзига хос кўринишлар аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

“Олтин зангламас” романининг муаллиф қўлёзмаси ва бир неча нашрлари асосидаги илмий-танқидий матн тузилиб, ушбу матн асосида янги оммавий адабий-бадий нашри тайёрланганлигида;

ижодкор лабораторияси, хусусан, “Олтин зангламас” романининг яратилиш тарихини ўрганиш орқали ёзувчи биографиясидаги ноаниқ нуқталар ёритилганлиги ва ижод жараёни аниқлаштирилганлигида;

“Олтин зангламас” романи XX аср адабий-маданий муҳитида муайян равишда репрессияга бағишланган асар эканлиги кўрсатилганида ва бу борада назарий қўлланмалар тузишда ёрдам беришида ақс этади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммоларнинг аниқ белгиланганлиги, улар биографик, қиёсий-тарихий, психологик ёндашув методлари асосида олиб борилгани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга тадбиқ этилгани тегишли ташкилотлардан олинган ҳужжатлар билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек адабиётида ижодкор лабораторияси, тарихий-биографик мавзу талқинлари асосида қатағон мавзусини бадий талқин этишнинг эффектив йўли ва усулларини кашф этиш имконини бериши ҳамда адибларнинг қатағон жараёнига нисбатан индивидуал ёндашувларини ўрганишда ёрдам бериши билан белгиланади.

Тақиқот натижаларининг амалий аҳамияти адабиётшуносликда ёзувчи ижодий лаборатория масаласи, шунинг баробарида, романларда қатағон мавзусининг бадий талқини мавзусида маърузалар ўқишда, XX аср ўзбек адабиёти бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукамаллашувига, амалий ва семинар машғулотларини ўтказишда, курс ишларини тузишда қўл келишида намоён бўлиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Шухратнинг “Олтин зангламас” романи ижодий биографияси: тарихийлик ва бадийлик масаласини тадқиқ этиш натижалари асосида:

“Олтин зангламас” романининг автобиографик характерга эга бўлиши билан бирга ёзувчи унинг ўнлаб қаҳрамонлар иштирок этган тарихий роман даражасига кўтарилиши учун ҳам урушда, ҳам лагерларда кўрган кишилари ҳаёти ва уруш манзараларини тасвирга тортгани ва бу ҳол ёзувчига “Олтин зангламас” орқали автобиографик жанр унсурлари устунлик қилган романни яратиш имконини берганлигига оид хулосалардан ЎзР Фанлар академияси

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида Давлат илмий-техника дастури доирасида амалга оширилаётган ОТ-Ф1-77 рақамли “Ўзбек адабиёти дурдоналари 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш” (2017-2021) фундаментал илмий лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР Фанлар академиясининг 2020 йил 12 январдаги 3/1255-86-сон маълумотномаси). Натижада “Олтин зангламас” романининг мазкур илмий лойиҳада тайёрланган янги нашрида роман ҳақида батафсил маълумот беришга эришилган;

уруш ва қатағон давридаги ҳаётига оид маълумотларнинг “Олтин зангламас” романининг яратилишида муҳим аҳамиятга эга бўлганини эътиборга олиб, айрим ижобий, салбий қаҳрамонларнинг прототипларини аниқлаш ва уларнинг адабий қаҳрамон даражасига кўтарилишидаги ижодий жараёни кузатишга оид натижалардан Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида Давлат илмий-техника дастури доирасида бажарилган ОТ-Ф1-80 “Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи” (2012-2016) фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР Фанлар академиясининг 2020 йил 12 январдаги 3/1255-86-сон маълумотномаси). Натижада “тоталитар тузумга бўлган ижодкор исёнининг бадиий асарларда акс этиши” масаласи кенгроқ ёритилган;

ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи Ўзбекистон ёзувчилари ва шоирлари архивида сақланаётган романнинг дастлабки кўлёмаси билан кейинги нашрлар, шунингдек, романнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган муҳокамаси стенограммасини қиёсий ўрганишга оид хулосалардан Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи режасига киритилган Шухратнинг “Олтин зангламас” романининг илмий-танқидий матни ва тўлдирилган янги нашрини тайёрлашда фойдаланилган (Ғафур Ғулом номидаги НМИУнинг 2021 йил 7 январдаги 01-0015-сон маълумотномаси). Натижада “Олтин зангламас” романининг тўлдирилган янги нашри чоп этилган;

Шухрат қаламига мансуб турли ҳужжат, хат, ёзишмалар ва хотираларни ўрганиш “Олтин зангламас” романининг яратилишида адибнинг биографияси муҳим роль ўйнаганлигига оид хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Наср кенгаши ҳисобот йиғилишларида, адабий тўғарак машғулотларида, ёш носирларнинг маҳорат дарсларида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 20 январдаги 3/09-31-сон маълумотномаси). Натижада ёш носирларга бадиий матн даҳлсизлиги, унга тажовуз қилиш ҳеч қачон яхшилик келтирмаслиги кўрсатиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро конференция ва 5 та республика илмий-назарий анжуманларида ўқилган маърузаларда жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган.

**Натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий

нашрларда 10 та мақола эълон қилинган бўлиб, шулардан 9 таси республика журналларида, 1 таси чет эл журналарида нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, олти фақсли ўз ичига олган уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 157 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Олтин зангламас” романининг ижодий тарихи** номли биринчи боби икки фақлдан иборат бўлиб, биринчи фақл **“Иккинчи жаҳон уруши ва қатағон даври Шухрат тақдирида”** масаласига бағишланади. Мазкур фақлда ХХ асрда бўлиб ўтган икки муҳим сиёсий жараён: қатағон ва Иккинчи жаҳон урушининг Шухрат тақдири, қолаверса, **“Олтин зангламас” романининг яратилишидаги роли тадқиқ қилинган.**

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шухрат (1918-1993) ана шундай мураккаб тарихий давр фарзанди бўлиб, адиб ҳаёти ва ижоди, хусусан, таҳлилга тортишни ният қилганимиз **“Олтин зангламас” романининг яратилиш тарихини коммунистик партия ҳукмронлик йиллари тарихи ва унинг хунук оқибатларидан айро ҳолда ўрганиш амалда иложсиздир.**

Совет давлати ўз фуқароларини бошқаришни инсоният тарихида мисли кўрилмаган сиёсий жараён – қатағон сиёсати орқали амалга оширди. Энциклопедияда қатағонга шундай тариф берилган: **“РЕПРЕССИЯ (сўнгги лот. repressio – босим, тазйик) – давлат органлари қўллайдиган жазо чораси, қатағон қилиш; асосан мустабид, тоталитар, мустамлакачи давлат томонидан халққа нисбатан қўлланиладиган жазолаш, қатли ом, қатли нуфус, оммавий тарзда зулм ўтказиш тушунчасини ифодалайди. Оммавий жазолаш, қийноққа солиш чоралари мустабид давлатларнинг халқни аросатда ушлаш, кўрқитиш, босим ўтказиш куралидир. Мустамлакачи давлатлар ўзларига тобе ўлкаларда халқнинг норозилигини, ижтимоий-сиёсий, озодлик ҳаракатини бостириш, таг-туғи билан йўқотиш учун ҳарбий, сиёсий, иқтисодий репрессияни қўллаганлиги тарихдан маълум”<sup>1</sup>.**

**“Ҳар бир авлоднинг ўзи ечадиган тугунлари, ўзи ҳал этадиган муаммолари, ўзи енгадиган қийинчиликлари бўлади”<sup>2</sup>.** Аммо баъзида бу тугунни расмий доираларда ечиш амалда имконсиздир. **“Хрушчёвча илиқлик”** йилларида вазият бирмунча юмшаган бўлса-да, сиёсий ҳокимият

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 7 жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2004. – Б. 312.

<sup>2</sup> Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1 том. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 202.

амалда сталинизмнинг мантикий ва ворисий давоми эди. Шу боисдан замонавий тарих илми яқин ўтмишдаги Сталин қатли омлари ҳақида ёзишда имконсиз бўлиб, вазият масалани ёритишни бадиий адабиёт зиммасига юклар, айна пайтда бунга ижтимоий зарурат ҳам пайдо бўлган эди. Ана шу заруратнинг ҳосиласи ўлароқ, Шухратнинг “Олтин зангламас” романи дунёга келди.

Шухратнинг асл исм-шарифи Аминжонов Фулом бўлиб, ўзининг айтишича, бобоси Олим ота Самарқанднинг Пойариғидан бўлиб, отаси Аминжон ота ва онаси Холбиби ая Тошкентга кўчиб келишган. Шу тариқа Шухрат 1918 йил 10-январда Тошкентнинг Хастимом маҳалласида дунёга келади. Аминжон ота мадраса кўрган, саводхон киши бўлиб, ёш Фуломни аввал маҳалласидаги отинбибига, кейинги йили уйи яқинидаги янги мактабга ўқишга берган<sup>1</sup>.

1936-1940 йилларда Низомий номидаги Тошкент ДПИда таҳсил олган Шухрат институтни битириши билан армия сафига чақирилади. 1941 йилда бошланган урушда кўрган-кечирганлари ва урушдан кейинги қатағон домига илиниши унинг ҳаётини бутунлай бошқа ўзанга солиб юборади. Бу эса ёзувчи ижодида ўз муҳрини қолдирмаслиги мумкин эмасди.

Адиб роман устидаги ишни 1962 йилда бошлаган бўлса-да, унинг сюжетини қамоқдалигидаёқ ўйлаб, пишитиб юрганди. Ниҳоят, мавриди келди. А.Солженициннинг қиссаси “Новый мир”<sup>2</sup> журналида чоп этилиши билан бу ишга шунчалик жон-жаҳди билан киришдики, ҳатто Солженициннинг устида қора булутлар пайдо бўла бошлаганига ҳам парво қилмайди. Аммо ёзувчини фақат асар ёзиш эмас, унинг нашр этилиши ҳам қизиқтирарди. Шу туфайли романда ўз даври талабларидан келиб чиқиб, романи “ёмон кўзлар”дан асраш учун, коммунистик мафқурани тарғиб қилувчи бир қанча деталлардан (бош қаҳрамоннинг коммунистлиги, қолган барча ижобий қаҳрамонларнинг соцреализм талабларига жавоб бериши, персонажлар нутқида (ҳаттоки севишганларнинг дил изҳорида ҳам) Янги даврга шукроналик, эски даврни қоралаш, 1936 йилда қабул қилинган СССР конституциясини улуғлаш) фойдаланади. Асосий гапни эса салбий қаҳрамонлар нутқи орқали (давр сиғдирган даражада) гўёки совет давлати душманларининг гапи тарзида беришга ҳаракат қилади.

“Олтин зангламас” адибга қанчалик шухрат келтирган бўлса, шунчалик ташвиш ҳам орттирди. Роман атрофидаги гап-сўзлар ёзувчини тинимсиз таъқиб қилиб, уни бир дам бўлса-да, ўз ҳолига қўйган эмас. Таъбир жоиз бўлса, Шухратнинг қамоқдаги азоблари шу роман туфайли озодликда ҳам муттасил давом этди<sup>3</sup>.

“Олтин зангламас” ўзбек адабиётида қатағон мавзусини ёритган биринчи роман бўлганлиги билангина эмас, жамиятнинг бутун бир тарихини ўзида акс эттиргани билан ҳам аҳамиятлидир.

<sup>1</sup> Архив КГБ. Дело № 726. Том 12. – С. 55-60; Шухрат. Ўзим ҳақимда икки оғиз сўз. Танланган асарлар. 3 томлик. 1 том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1969. – Б. 4.

<sup>2</sup> Солженицин А. Один день Ивана Денисовича // Новый мир, 1962. № 11.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Шухрат замондошлар хотирасида. – Тошкент: O`zbekiston, 2008.

Шухрат “Олтин зангламас”ни ёзишда, асосан, ўзининг биографиясига асосланиб, уни яхлит бадий полотно даражасига келтиришда замондошларининг тақдири, уруш ва қамокда кўрган-кечирганларидан унумли фойдаланган бўлса-да, “Олтин зангламас” соф бадий асар. У роман жанри талабларига жавоб беради. Адиб романни ёзишда, макон ва замонни тасвирлашда, баъзи персонажлар прототипларининг ҳаётини “бадийлаштириш”да фантазияга эрк беради. Айрим образларни бадий тўқима асосида яратади. Аммо қаламга олишни ният қилгани, тарихий воқелик, қатағон сиёсати моҳиятини очишда тарихий ҳақиқатга хиёнат қилмайди. Зеро, “бадий асарда авторнинг воқеликка бўлган шахсий муносабати, шу муносабат асосида асарда ёзилган барча нарсалар китобхон учун муҳим, қимматли ва барчаси ишонтирарлидир. Бадий асарнинг бутунлиги ғоянинг бутунлиги, қатнашувчи шахсларнинг ишланганлигидан иборат эмас, балки бутун асарга сингдирилган авторнинг воқеликка бўлган муносабатининг равшанлиги ва аниқлигидан иборатдир”<sup>1</sup>.

Мазкур бобнинг **“Олтин зангламас” романининг яратилиш ва нашр этилиши муаммолари**” деб номланган иккинчи фаслида романнинг ижодий тарихи ўрганилган.

1964 йилнинг 26 июнида Ёзувчилар уюшмасида “Олтин зангламас” романининг муҳокамаси бўлиб ўтади. Адабий жамоатчилик асарни яхши қабул қилади. Муҳокама қатнашчилари бир овоздан “умуман, роман бор, катта роман бор”, деб эътироф этишади (стенограмма, 1-7-бетлар).

Лекин шу билан бирга муҳокамада романдан бир қанча сиёсий хатолар ҳам топилиб, романга жиддий таҳрир киритиш талаб қилинади. Натижада “қуйидаги бетларга корректурада қисқартириш ва тузатишлар киритилади: 129, 133, 134, 142, 143, 144, 145, 146, 147, 148, 150, 156, 157, 158, 163, 164, 165, 175, 176, 178, 179, 182, 183, 226, 227, 228, 229, 232, 243, 244, 253, 257, 262, 263, 317, 332, 352, 353, 355, 358, 359, 360, 361, 362, 363, 364, 373, 374, 375, 405, 406, 407, 409, 410.

Изоҳ: “Корректурада 5 лист йўқ”<sup>2</sup>.

Кўриниб турганидек, романнинг корректурасида 54 бетга ўзгартириш киритилиб, баъзи бетлар умуман олиб ташланган, 5 бетнинг эса тақдири номаълум. Бундан ташқари, романга 77 бетлик қўшимча киритилган. Жами 136 бетга сиртдан “тажовуз” қилинган.

Муҳокамада турли фикрлар билдирилган. Чунончи, асарнинг бош ғояси ҳақида А.Мухтор “Содиқ билан Диловархўжа линияси романнинг асосий линияси” (стенограмма, 2-бет), деган бўлса, Ш.Толибов, А.Қаҳҳор, Ҳ.Ғулумлар: “Асосий линия Содиқ билан Мирсалим линияси”, деб таъкидлашади (стенограмма, 3-7-бетлар). Романда тоғасининг вафоти муносабати билан Содиқнинг қишлоққа, жанозага бориш эпизоди бор. Э.Воҳидов шу лавҳа ҳақида гапириб, “Содиқ тоғасининг жанозасига

<sup>1</sup> Толстой Л.Н. О искусстве и литературе. – М.: Юрайт, 2018. – С. 233.

<sup>2</sup> ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи. Ўзбекистон ёзувчи ва шоирлари архиви. Шухрат фонди. Ф.16.48 рақамли ҳужжат. “Олтин зангламас” романининг нашриёт корректурасида қисқартириш ва тузатишлар киритилган саҳифалар ҳақида маълумот. – Б. 1.

кетадию, Қодир қани? У жиянмасми? Унинг қолиши изоҳланиши керак” (стенограмма, 4-бет), деб эътироз билдиради. Лекин муаллиф бу камчиликни жиддий айб деб қабул қилмаганми ёки бошқа нияти бўлганми, хуллас, мазкур эпизодни романнинг журнал вариантыда ҳам, нашр қилдирганида ҳам ўз холича қолдиради. Шунингдек, А.Мухтор “Содикнинг лагерда Диловархўжа билан учрашувидаги қувонишга ўхшаш (эски танишни кўргандан) руҳ олиб ташлансин. “Бир лагердаман, мураса қилишга мажбурман” демасдан қаттиқ тўкнашсин, иккаласининг икки синф вакили эканлиги ойдинлашади”, деб айтади. Э.Воҳидов “Содикнинг “Диловархўжа ака”, деб мурожаат этишига қўшилмайман”, деган бўлса, Ш.Толибов “Содик – Диловархўжа суҳбатидаги юмшоқликка йўл қўйилмасин. Китобхон иккаласининг душманлигини сезиб турсин”, дейди. Ҳ.Ғулом эса, “Содик Диловархўжа билан сиёсий тўкнашсин”, деб таклиф киритади (стенограмма, 2-7-бетлар).

“Китобда иккита зўр образ бор, – дейди А.Қаҳҳор. Булар адабиётимизда йўқ эди. Бири Содик – олтин зангламас. Бу совет тузуми камолга етказган эътиқодли киши. Жон беради, лекин советга хиёнат қилмайди, у учун барча синовлардан ўтади.

Мирсалим – даҳшат образи. Бу совет ҳукумати номидан советга қарши курашади. Унинг усти ялтироқ, ичи ғараз, нодўст. Бу иккала образ бугунги кун марказида. Бу икки образ ўтган кунимиз эмас, бугунимиз” (стенограмма, 5-бет).

Ёзувчи ҳақ, Содик билан Мирсалим – романнинг марказий образлари. А.Қаҳҳор айтганидек, давр тимсоллари.

А.Қаҳҳор яна давом этиб, “Органнинг иш методи олиб ташлансин. Тюрьма керак ердагина қолсин, тасвирлаш шарт эмас. Уни ёмон деб, тасвирлаш нима фойда? Тюрьма ҳамма жойда ҳам ёмон бўлади, яхши бўлса, тюрьма бўладими!” (стенограмма, 5-бет) деб айтади.

Кузатишлар натижасида романнинг бизга маълум бўлган вариантлари билан Давлат адабиёт музейи архивида сақланаётган муаллиф дастхати билан битилган асл матни орасида анчагина тафовутлар борлиги ҳақида дастлаб устоз академик Наим Каримовга хабар берганимизда, у: “Роман вариантлари орасидаги фарқ асарнинг аҳамиятини оширадиган бўлса, уни юзага чиқариш керак”<sup>1</sup>, деган таклифни киритди. Кейинчалик бу гапни ёзувчининг ўғли Бобур Алимовга билдирганимизда, у ҳам маъқул топди. Шу тариқа романнинг аслини тиклаш ишлари бошланиб кетди. Фарқларнинг кўплиги аввал романнинг илмий-танқидий матнини тайёрлаш ва шу матн асосида янги оммавий адабий-бадиий нашрини яратиш заруратини пайдо қилди.

“Олтин зангламас” романи матнини илмий ўрганиш давомида бир нечта вариантларни кўриб чиқишга тўғри келди. Улар орасидан тўрттаси: 1) “Олтин зангламас” романининг қўлёзма (дастхат-автограф) нусхаси (1962-1964 йиллар. 2) Романнинг журнал варианты. “Шарқ юлдузи” журнали 1965 йил 7-сон 16-76-бетлар; 8-сон 38-89-бетлар; 12-сон 10-111-бетлар). 3) Романнинг

<sup>1</sup> Академик Н.Каримов билан суҳбатдан. Суҳбат ёзуви диссертант шахсий архивида сақланади.

муаллиф ҳаётлигида чоп этилган илк нашри (Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967 йил. 407 varaқ). 4) Романнинг муаллиф вафотидан сўнг чоп этилган варианты (“Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти 1999 йил. 399 varaқ) қиёс учун танланди.

Миллий адабиётшунослигимизда матншунослик борасидаги ишлар асосан мумтоз адабий манбалар теграсида олиб борилган бўлиб, замонавий адабиёт вакиллари асарларига деярли мурожаат қилинмаган. Бу борада илк бор қилинган иш сифатида фақатгина матншунос Отабек Жўрабоевнинг А.Қаҳҳор 3 жилдлик асарларининг матни юзасидан олиб борган тадқиқотини кўрсатиш мумкин.<sup>1</sup>

Ишнинг моҳиятидан келиб чиқиб, ана шу ишлар орасида олимнинг “Ўтмишдан эртақлар” ва “Муҳаббат”<sup>2</sup> қиссаларининг илмий-танқидий матни юзасидан олиб борган тадқиқлари принципига суяндиқ. “Илмий-танқидий матн тузишда муаллиф (автограф) нусхаси бўлмаган тақдирда асарнинг қадимий, ишончли нусхаси таянч нусха сифатида олиниб, бошқа нусхалардан ёрдамчи манба сифатида фойдаланилади”<sup>3</sup>. Матншуносликдаги ана шу қоидага асосланиб, “Олтин зангламас”нинг илмий-танқидий матни учун романнинг қўлёзмаси танланиб, қолган учта вариантдан ёрдамчи манба сифатида фойдаландиқ.

Романни ёзиш жараёнида муаллиф томонидан сатрлар ўчирилиб тузатишлар, таҳрир қилинган. Масалан, биринчи бобга дастлаб “Севгининг туғилиши” деб сарлавҳа қўйилиб, кейинчалик “Атлас қўйлакли қиз” тарзида ўзгартирилган. Романнинг 9 та ўрнида (41,52,141,161,185,225,249,401,430-бетлар) қўшимча саҳифа (вставка)лар қўшилган. Бу қўшимчаларнинг ҳажми ҳар хил бўлиб, 4 қатордан 15 қаторгача. Бир ўринда (634-бет) саҳифанинг охириги 4 қатори ўчирилиб, устидан varaқча ёпиштирилиб, саҳифа узун кўринишга келган. Varaқнинг охиригача қўшимча ёзилиб, кейинги varaққа ўтилганда ушбу varaқ бошқа саҳифаларга тенглаштирилиб буклаб қўйилган.

Мумтоз матншуносликда матний тафовутлар уч гуруҳга ажратилиб ўрганилади:

- 1) композицион ўзгаришга олиб келган фарқлар;
- 2) имловий хатолар;
- 3) матннинг маъновий бузилишига олиб келган текстологик тафовутлар.<sup>4</sup>

Биз эса ишнинг боришидан келиб чиқиб, роман вариантларида юзага келган тафовутларни бир неча турга бўлиб ўргандиқ. Улар қуйидагилар:

1. Имловий хатолар;
2. Услубий фарқлар;
3. Композицион ўзгаришга олиб келган фарқлар;

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. 1 жилд. Илмий-танқидий матн. Тузувчи О.Жўрабоев. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015; Қаҳҳор А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. 2 жилд. Илмий-танқидий матн. Тузувчи О.Жўрабоев. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016; Қаҳҳор А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. 3 жилд. Илмий-танқидий матн. Тузувчи О.Жўрабоев. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017.

<sup>2</sup> “Ўтмишдан эртақлар” қиссасининг илмий-танқидий матни ва илк варианты. Тузувчи-тайёрловчи: О.Жўрабоев. – Тошкент: Tamaddun, 2011.

<sup>3</sup> Сирожиддинов Ш, Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. – Тошкент: Akademnashr, 2015. – Б. 17.

<sup>4</sup> Жўрабоев О. Матннинг матноти сирлари. – Тошкент: Тамадун, 2017. – Б. 102.

#### 4. Таҳрирланган жойлар.

Роман вариантлари аро тафовутлар диссертацияда ўз аксини топган. Янги нашр учун роман кўлёмаси асосида каноник матн тайёрлаб, юқорида кўрсатилган босма нашрлари билан солиштирган ҳолда мақбул вариантини чиқаришга ҳаракат қилинди.<sup>1</sup>

Иккинчи боб **“Романда тарихий воқеликнинг бадиий талқини”** деб номланади. Бобнинг **“Тарихий ва тўқима образларнинг бадиий талқини”** номли биринчи фаслида асардаги баъзи образлар таҳлили, уларнинг романда тутган ўрни ҳамда образларнинг прототиплари ҳақида сўз боради.

Бадиий асар – яхлит бир организм. Ундаги катта ва кичик образларнинг ҳар бири ўз функциясига эга.

Образ, одатда, икки хил йўл билан, прототип асосида ҳамда бадиий тўқима йўли билан яратилади. Муаллиф эстетик идеалини акс эттиришда ҳаётий асосга эга образлар билан бир қаторда тўқима образларнинг ҳам ўрни каттадир.

“Олтин зангламас”даги ўз прототипига эга образлардан бири роман бош қахрамони Содикнинг терговчиси Чуханов образидир.

Илмда тахмин доим ҳам ўзини оқлайвермайди, илм аниқликка таянади. Шунинг учун Давлат хавфсизлиги хизмати архивида сақланаётган ҳужжатда ёзувчи Шухратнинг жинойи иши билан танишиб, ундан терговчисининг исмини билишга уриндик. “Дело”да терговчининг исми “ст.следователь 2 отделения Следственного отдела МГБ УзССР, мл.лейтенант Суханов”, деб ёзилган.

Чамаси, Шухрат Чуханов образини яраётганида, терговчиси Сухановнинг қиёфаси доимо кўз олдида турган. Шунинг учун образга бошқа ном ҳам кўйиб ўтирмай, тўғридан-тўғри ўзининг исми билан атаган. Вужудини қамраб олган бор нафратини сочиб, у ҳақда эллик икки бет ёзгандан кейин, “Тўхта, Суханов ҳали тирик, роман ҳақида хабар топиб қолиб уни ўқиса, бу иш яхшилиқка олиб келмайди, унинг номини бироз ўзгартириш керак”, деб ўйлаган бўлса ажабмас. Натижада ўн тўққизинчи бобдан бошлаб, унинг номини Чуханов деб ўзгартиради.

Роман кўлёмасида ўзгаришга учраган исмлардан яна бири бу – Марат исмидир. Бу ҳақда диссертацияда батафсил маълумот берилган.

Кундошлик, умуман, чигал оилавий муносабатлар Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида баланд пардаларда ёритилган. “Ўткан кунлар”дан фарқли равишда “Олтин зангламас”да Жаннат – Содик – Мушарраф “учлиги” асар композициясида муҳим ўринни эгаллайди. Содик билан Жаннат бир-бирини севиб турмуш қуришган бўлса-да, боласизлик туфайли уларнинг муҳаббати дарз кетиб, ўртада учинчи одам, Мушарраф пайдо бўлган.

Отабек – йигирма тўрт ёшдаги норғул йигит, Содик эса қирқ беш ёшлардаги кўпни кўрган киши. Қахрамонларнинг ёш борасидаги фарқи ўз-

---

<sup>1</sup> Шухрат. Олтин зангламас. Тўлдирилган янги нашр. Нашрга тайёрловчи М.Ёдгорова. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2021.

Ўзидан Кумуш – Отабек – Зайнаб “учлиги”даги коллизиянинг Жаннат – Содиқ – Мушарраф “учлиги”да қайталанмаслигини таъминлаган.

Мушарраф романда Жаннат билан қарама-қарши кутб вакиласи сифатида тасвирланади. Ҳар иккала аёл ҳам бош қаҳрамоннинг турмуш ўртоғи. Бу эса ўз-ўзидан уларни бир-бирига таққослаш имкониятини беради.

Жаннат романда ўзлигини йўқотмаган образлардан биридир. Муаллифнинг Жаннатга нисбатан симпатияси ҳаттоки унга берилган номда ҳам ўз аксини топган. Жаннат мулоҳазали, оғир, босиқ, шарқона қадриятлар асосида тарбияланган, иболи аёл. Бу аёл учун бурчга содиқлик, оилага нисбатан масъулият ҳисси ўта муҳим.

Ёзувчи Мушаррафни ўқувчига икки хил йўл билан: ўз нутқи ва персонажлар тили орқали таништиради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, адиб Жаннат тасвирида “хасислик” қилган бўлса, Мушаррафда сўзни аямайди. Ўқувчи уни дастлаб Содиқнинг нигоҳи орқали кўради:

“Содиқ ана шунда Мушаррафнинг нималигини кўрди. Кўрди-ю, кишининг юзи қанчалик алдамчи эканига тан берди...” Шу жойда муаллиф уни кузатиш вазифасини Содиқдан олиб, аёлни ўз сўзи билан таништира бошлайди: “Айниқса, шу кунларда, расм бўлган жимир-жимир ипак пайпок унинг чиройли оёқларини очиб юборган эди... Мушарраф ёлғиз болдири билан эмас, чап лаби устидаги кичик мошдек тимсиёҳ холи билан ҳам фахрланарди. Унинг унча чиройли бўлмаган юзини очиб турган ҳусн калити шу хол эканлигини биларди. Уни яна ҳам қорароқ қилиб кўрсатиш учун баъзан икки қатор инжудек оппоқ тишларини кўрсатиб, табассум қиларди” (қўлёзма, 71-бет).

Шундан кейин таништирувчилик “вазифа”си яна Содиққа ўтади: “Уялиб, тортиниб ўйинга тушган Мушарраф гарчанд астойдил ўйнамаётган бўлса ҳам, гоҳ-гоҳ мақомга тушиб қолаётган кўл ташлаши ёки бошини қимирлатиши унинг яхши ўйинчилигидан дарак берарди... Содиқ ўйинчи жувондан кўзини олиб, Мушаррафга ташлайди: “У хомуш ва сипоҳ ўтирарди”.

Кўриниб турибдики, ўқувчи биринчи танишувдаёқ ҳам ўзини кўз-кўз қилувчи, ҳам уялганга ўхшаб кўринишга интилувчи Мушаррафга дуч келади. Муаллиф Мушарраф образига нисбатан салбий муносабатини Содиқ билан Адолат холанинг ички монолоғи, Мирсалимнинг хотини эрига айтган гаплари орқали ифодалаган.

Диссертацияда Жаннат образининг прототиби ҳақида ҳам сўз боради.

“Ҳар бир бадиий асарда кишилар тарихан конкрет, мутаайин шароитда тасвирланади”<sup>1</sup>. Ана шу шароит персонажлар руҳияти билан бирга воқеалар характерини ҳам белгилайди. Ўқувчи “Олтин занғламас”ни ўқиш жараёнида, дастлаб, асарда тасвир этилаётган воқеаларнинг қачон рўй бераётгани яхши англай олмайди. Бироқ ичкарига кирилгани сари воқеалар ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида юз бераётгани ойдинлашади. Адиб шунга мувофиқ характерларни ҳам шакллантириб боради.

<sup>1</sup> Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б.183.

Бош қахрамон Содиқ характери ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Негаки, Содиқ шароит тақазосига кўра, фарзандсизлик туфайли, суюкли рафиқаси билан ажрашиб, ёш жувонга уйланади. Бунда Мирсалимнинг хизматлари алоҳида, аммо айнан шу эпизодларда Содиқ Мирсалимнинг етовига тушиб қолгандай таассурот уйғотади. Тўғри, бу муаллифнинг ижодий нияти билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

Содиқ социалистик ақидаларга мос оптимистик руҳ билан йўғрилган, чин коммунист образидир. Қайси сиёсий тузумга мансублигидан қатъий назар, Содиқ, биринчи навбатда, эътиқод кишиси. Бу эса унинг инсонийлик позициясини белгилаб беради. Дарвоқе, романда эътиқод олтинга киёсланади. Маълумки, олтин ўтда ёнмас, сувда чўкмас металл. Кимёвий модданинг ушбу хусусиятидан кўчма маънода унумли фойдаланган адиб “олтин” сўзини уч марта ишлатади: “ – Аслсиз! Асл айнимас, олтин зангламас деганлари шу. Лекин... аввал жиноятингиз бўлмаса ҳам, энди хиёнатга қўл уриб қўйдингиз”.

Кўриниб турганидек, Содиқни олтинга биринчи марта киёслаган Диловархўжадир.

Ундан кейинги туман партия комитети раисининг нутқида “олтин” сўзининг маъно қатлами кенгайиб, СССР сиёсий тутумининг умумқурбонларига нисбатан қўлланади. Бу ўхшатиш орқали адиб халқ руҳини синдириш осон эмаслигини таъкидлайди.

Ва, ниҳоят, “олтин” сўзи роман сарлавҳасига ҳам олиб чиқилади. Эндиликда олдинги маъно қатламларига қўшимча равишда “олтин” сўзи “букилмас ҳақиқат” маъносини ифодалайди.

Диссертацияда Мирсалим образи ҳам таҳлилга тортилади. Содиқ ва Мирсалимнинг прототиплари ҳақида ҳам фикр ва мулоҳазалар юритилади.

Бобнинг **“Тарихий давр тасвири ва композицион бутунлик”** деб номланган иккинчи фаслида қайчиланиш ва ямашларнинг роман композициясига таъсири ҳамда асардаги кичик эпизодларнинг тарихий давр тасвирини беришдаги аҳамияти борасида сўз боради.

